**Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 19 июль • сешанба № 28 (1024)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz




## Элчи эътирофи

**Мосуд МАННАН,**
**Бангладешнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**



— АВВАЛАМБОР, мен гўзал мамлакат — Ўзбекистоннинг меҳмондўст халқига ўз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан самимий ва эзгу тилакларимни изҳор этаётганимдан беҳад мамнунман.

Ўзбекистон Республикаси тарихан қисқа давр ичида барча соҳаларда, хусусан, маданият, таълим, халқаро муносабатлар, инфратузилма, иқтисодиёт ва фуқаролик жамияти каби жабҳаларда ҳурматли Президент жаноб Ислом Каримов раҳнамолигида катта ютуқларга эришди.

Ўзбекистон барқарор ривожланиши ва кўп тармоқли иқтисодиёти билан замонавий давлатга айланди. Бу, ўз навбатида, кўплаб етакчи халқаро таҳлилчи ва экспертларнинг ҳайратига сазовор бўлмоқда.

Давлатингиз мустаҳкам иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини намоён этиб келмоқда. Жумладан, мустақилликдан кейинги йилларда иқтисодиётнинг қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига даромадлари 9 баробарга ошгани бунинг ёрқин исботидир.

Ислом Каримов жаноби олийларининг узоқни кўзлаган кучли ҳамда асосларга таянган сиёсати шарофати билан бу миллат жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг фаол аъзосига айланди. Мен шуни ҳам таъкидлашни истардимки, яқинда Ўзбекистон осойишта ва барқарор мамлакатлар рўйхатидан юқори ўрин эгаллади. Буни юксак баҳо, деб ўйлайман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ташқи ва ички мураккаб ҳолатларга қарамай Ўзбекистон барқарор сиёсий ва иқтисодий институтларни барпо этди, қолаверса, ўз халқининг хавфсизлигини ҳам таъминлаб бера олди. Мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилар экан, Бангладеш Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори сифатида фаолиятини давом эттиради. Биз савдо-иқтисодий ривожланишдан тортиб икки миллатни бир-бирига яқинлаштирувчи маданий алоқалар билан якунланувчи барча соҳаларда ўз алоқаларимизни янада чуқурлаштириш ва бирлаштириш тарафдоримиз.

**“Инсон ва қонун” мухбири Мадина ҲАМДАМОВА ёзиб олди.**

## Ифтихор

# Тараққиёт йўлидаги дадил қадамлар

### юртимизнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамламоқда

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2016 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори энг азиз байрамимизни кўтаринки руҳда, бунёдкор халқимизнинг бугунги салоҳияти, юртимиз қудратига ҳамоҳанг тарзда кутиб олишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

2 ▶




## Адлия аралашгач...

# Тўланмаган тўлов тўлаб берилди

**БУГУНГИ КУНДА Наманган вилоятида 42 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиб, шундан 7 мингдан ортиғини ёки 17 фоизини фермер хўжаликлари ташкил этади.**

Фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вилоят адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, Норин туманидаги “Мирзашоҳ” фермер хўжалиги бошлиғи Х.Тўхтабоев ва “Сайёра Асқарали қизи” фермер хўжалиги бошлиғи А.Амоновларнинг “Норин пахта тозалаш” АЖдан етказиб берилган пахта хомашёси ҳақини ўз вақтида тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида “Норин пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ҳисобидан “Мирзашоҳ” фермер хўжалиги фойдасига тўланмаган 8 миллион 719 минг сўм асосий қарз ва 4 миллион 359 минг сўм пеня жами 11 миллион 633 минг сўм, “Сайёра Асқарали қизи” фермер хўжалиги фойдасига тўланмаган 12 миллион 692 минг сўм асосий қарз ва 6 миллион 346 минг сўм пеня жами 19 миллион сўм пул маблағини ундириш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари таъминланди.

**Абдумуталиб ДАДАЖОНОВ,**
**Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

## ТДЮУда

# Битирувчиларга диплом топширилди

**ТОШКЕНТ давлат юридик университетида бакалавр ва магистратура босқичларини битирган талабаларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири М.Икромов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев, Ички ишлар вазири А.Аҳмадбоев, Олий суд раиси Ш.Ғозиев, Олий хўжалик суди раиси К.Комилов, Тошкент давлат юридик университети ректори Е.Каньязов ва бошқалар қонун устуворлиги Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган “ўзбек модели” асосларидан бири экани, мамлакатимизда қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 28 июндаги **“Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**-ги Қарори соҳага эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Мазкур Қарор асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш янада кучайтирилди.

Тошкент давлат юридик университети юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашда таянч олий ўқув юрти саналади. Бу ерда юриспруденция мутахассисликлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Жорий йилда 313 нафар талаба бакалавр, 130 нафар йигит-қиз магистратура босқичини тамомлади. Муассасада ўқув жараёни ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий ҳолда олиб борилмоқда. Бунинг учун университетда барча шарт-шароитга эга замонавий ўқув ва моддий-техник база яратилган. Ўқув, илмий-услубий бўлинмалар, кафедралар ўқитишнинг замонавий техник воситалари, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий мажмуалар билан таъминланган.

Талабалар Олий Мажлис палаталари, Олий суд, Олий хўжалик суди, прокуратура органлари, суд экспертизаси тизимида амалиёт ўтамоқда.

— Бугун хурсандчилигимизнинг чеки йўқ, — деди Вазира Аҳмедова. — Қизим Сайёра университетни аъло баҳолар билан тамомлади. Энди ўзи амалиёт ўтаган ташкилотда мустақил иш бошлайди.

Талабалар Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилишга, суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантиришга ҳисса қўшишга аҳд қилди.

**А.ҚИЁСОВА,**
**ЎзА мухбири**



# Адлия органларида

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш”** мавзуида ўтказилган семинарда иштирокчиларга мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларига яратилган шароит ва имтиёзлар, соҳага оид қонунчиликдаги сўнгги янгиликлар тўғрисида маълумот берилди. Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 15 июндаги буйруқ билан тасдиқланган “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳақида батафсил тушунтиришлар берилди.

* * *

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ** адлия бошқармаси томонидан прокуратура, ички ишлар, солиқ ва молия органлари билан биргаликда **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан семинар ташкил қилинди. Тадбирда таъкидланганидек, мазкур Қонун билан амалдаги 7 та кодекс ва 17 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар қаторига Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Меҳнат, Уй-жой, Солиқ кодексларини ҳамда “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни киритиш мумкин. Тадбир иштирокчилари томонидан юқоридаги Қонун билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг амалиётга татбиқ этилишига оид долзарб масалалар кенг муҳокама этилди.

* * *

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ** адлия бошқармасида солиқ ва статистика бошқармаси билан ҳамкорликда 2016 йил 25 апрелдаги **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш юзасидан “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунчилигини такомиллаштириш” мавзуида семинар йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда иштирок этган вилоятдаги турли давлат бошқаруви ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, ҳозирги кунда ННТлар фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган қарорларга асосан нодавлат нотижорат ташкилотларига бир қатор енгилликлар яратилганлиги ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

* * *

**АНДИЖОН ВИЛОЯТ** адлия бошқармаси ташаббуси билан “Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонунчилигини такомиллаштириш” ҳамда **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги 2016 йил 25 апрелдаги Қонуннинг мазмун ва моҳиятини давлат бошқарув органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларига етказиш мақсадида амалий-семинар ташкил этилди. Адлия бошқармаси, вилоят солиқ ҳамда статистика бошқармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган давлат қарорларининг моҳияти ва аҳамияти борасида фикр ҳамда маълумотлар қайд этилди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

*"INSON va QONUN"* ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 268-19-97

*"HUQUQ va BURCH"* ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 268-27-35

*"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"* ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz Тел/факс: 268-28-45

*"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"* расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 916. website: adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz Тел/факс: 268-28-45

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали Сиз фаолиятга оид батафсил маълумотлар билан танишишингиз мумкин.*

# Тараққиёт йўлидаги дадил қадамлар

## юртимизнинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамламоқда

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Жаҳонда умумэътироф этилган ривожланишнинг "ўзбек модели" амалга оширилишида Ўзбекистоннинг ютуқлари ва истиқболлари халқаро жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича — дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олган. Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани, иқтисодиёт эса қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёдга ошгани аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганидан далолат бермоқда. Бу жараёнда бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларнинг иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, Ватанимиз тараққиётининг ҳар бир довони ёшлар ҳаёти, интилишлари, турли соҳада қўлга киритаётган улкан муваффақиятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунларидан узоқ истиқболни кўзлаб, **"Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт"**, деган эзгу ниятни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Юртимизда келажак авлоднинг ҳар томонлама соғлом улғайиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Ўтган давр мобайнида аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва соҳани ривожлантириш масалалари муҳим ўрин эгаллади. Чунончи, сўнгги йилларда мамлакат давлат бюджетининг харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада бўлиб, биргина 2015 йилда бу борадаги харажат 60 фоиздан ортди.

Юртимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тараққиёт йўлига назар ташласак, миллий таълим тизимини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ёшларнинг ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароитни яратишга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлиги яққол намоён бўлади.

Таъкидлаш керакки, таълим тизими ислоҳ қилиниши билан бирга, таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб 2 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим ва самарали омили бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга — ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, болалар ва ўсмирлар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом ҳаёт тарзини қарор топтириш, баркамол авлодни шакллантиришнинг ноёб тизими йўлга қўйилди. Болалар спорти таълим-тарбия соҳасининг узвий қисмига айланди. Уч босқичли спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Ёшлар орасида спортга қизиқиш, соғлом бўлишга интилиш кучайиб бормоқда. Юртимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилиб, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етганлиги, фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар жараёнида ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини оширишга қаратилган ишлар эътиборга сазовордир. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслигини барчамиз яхши биламиз. Шу нуқтаи назардан 2013 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизими жорий этилди. Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди.

Шунингдек, янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2015 йилда мамлакатимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди. Коллежларнинг 480 мингдан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Тижорат банклари томонидан уларга ўз бизнесини ташкил қилиш учун 280 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар кўпдир.

Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралдаги **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ҳамда бугунги кунда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, навқирон авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга оид ишлар ҳажмини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, Давлат дастурида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Бу ишларнинг замирида мамлакатимизнинг тараққиёт одимлари, қўлга киритган натижаларини бутун дунё тан олаётгани, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаб бораётган жараёнда — дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш мақсади мужассам.

**Мирзатилло ТИЛЛАБАЕВ,**
**юридик фанлар номзоди, доцент**

**Акс-садо**

# Тинчлик – халқимизнинг энг улуғ тилаги



**"ИНСОН ва қонун" газетасининг жорий йил 5 июль сонида чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Шуҳрат Узоқовнинг "Осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз" номли мақоласида ҳар бир юртдошимиз тилидаги сўз, қалбидаги орзу-истаклар акс этган.**

Дарҳақиқат, тинчлик қулоққа ҳам, қалбларга ҳам ёқадиган сўз. "Тинчлик — фаровонлик йўлдоши", "Тинч элнинг, боғи гуллар", "Тинчлик билан эл кўкарар, ёмғир билан ер", "Тинчлик — бахт, соғлик — тахт" каби сўзларни биз жуда кўп эшитамиз. Юрт тинч бўлмаса, қалб ҳам, кўнгил ҳам хотиржам бўлмайди.

Давлатимиз минтақамизда ва глобал миқёсда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга қаратилган деярли барча халқаро ҳужжатларга қўшилган. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинган, уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Хусусан, **"Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"**ги, **"Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"**ги, **"Терроризмга қарши кураш тўғрисида"**-ги, **"Мудофаа тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"**ги қатор қонунлар халқимиз осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган давр мобайнида Ватанимиз босиб ўтган йўлни, амалга оширилган тарихий ишларни холисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга, оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришилганини ҳар биримиз чуқур англашимиз лозим. Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Тинчликни ҳеч ким яратиб бермайди. Унинг учун курашиш, уни асраш, қадрига етиш керак. Чунки инсон хотиржам ва осойишта бўлсагина, мақсади сари дадил интилади, ўзини чинакамига бахтли ҳис қилади.

Президентимизнинг **"Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак"** рисоласида энг муҳим масала сифатида, тинчлик ва унинг нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни мамлакатларда ҳам барқарорлаштириш борасида чуқур мулоҳазалар баён қилинади. Ўзбек халқи азалдан тинчликсевар, обод ва фаровон ҳаёт сари интилган ва шунинг учун курашган халқ. Дунёдаги барча халқга биринчи ўринда тинчлик керак, омонлик керак. Чунки тинчлик бор ерда ривожланиш бўлади. Тинчлик бор ерда эртанги кунингизга ишонч бор ва яна энг муҳими, тинч юртда ўғил-қизларнинг тақдирига, уларнинг орзу-интилишларига қанот берилади, истеъдодлари юзага чиқарилади, илм-фан, спорт, маданият, умуман барча соҳаларда юксак натижаларга эришиб, дунёга танилишига зарур шароитлар яратилади.

Шундай экан, тинчлик неъмат, унинг шукри эса огоҳлик, десак, муболаға бўлмайди. Тинчликни асраш фақат чегара посбонларининг ёхуд бу ишга мутасадди бўлган кишиларнинг вазифаси, деган киши хато ўйлабди. Юртимиз ва истиқлолимизу истиқболимизни киндик қонимиз тўкилган муқаддас бу заминни ардоқлаш, ҳимоя қилиш барчамизнинг шу юрт олдидаги қарзимиздир.

Қарияларимиз дуога қўл очганда Яратгандан тинчлик ва осойишталик сўраш билан бирга бугунги тинч ва осойишта кунларимиз учун шукроналар айтишади. Зеро, қалбимиз тўридаги тилагимиз ҳам тинчлик ва омонлик.

**Нилуфар САИДАХМЕТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

**Кузатув**

# Бола ҳуқуқлари кафолати

## миллий ва хориж тажрибаси

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилиш эканлиги, ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларимизни янада юксак босқичга кўтариш мақсадида жорий йил юртимизда "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинди.**

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида болалар соғлиғини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 6-моддасида иштирокчи давлатлар боланинг яшаши ва соғлом ривожланишини юқори имконият даражасида таъминлаши шартлиги белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида ҳам давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратиши шартлиги белгиланган.

Хусусан, Оила кодексининг 152-моддасида фарзандликка олиши мумкин бўлмаган шахслар, ушбу кодекснинг 198-моддасида эса тутинган ота-она бўлиши (болани оила тарбиясига (патронат) олиш) мумкин бўлмаган шахслар, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасида васий ва ҳомий этиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар белгилаб қўйилган.

Ушбу моддаларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар, фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин эмаслиги акс этган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 285³-моддасида фақатгина фарзандликка олиш тўғрисидаги аризага, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) соғлиғи ҳолати ҳақида тиббий хулоса (психиатрия, сил касаллигига қарши кураш ва наркология муассасалари, шунингдек, ОИТСга қарши кураш марказларининг маълумотномалари) илова қилиниши тартиби кўрсатилган.

Бироқ вояга етмаган болаларни васийлик ва ҳомийликка ҳамда болаларни оила тарбиясига олиш (патронат) масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида эса болани олувчининг сил, ОИВ инфекцияси ва бошқа юқумли касалликлар билан касалланганлигини текшириш масалалари тартибга солинмаган.

Мазкур масала юзасидан хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, уларда ҳукумат қарори асосида фарзандликка, васийлик ва ҳомийликка ҳамда болаларни оилага тарбияга олишни (патронат) рад этувчи касалликлар рўйхати тасдиқланганлиги маълум бўлади.

Хусусан, Россия Федерацияси ҳукуматининг 2013 йил 14 февралдаги 117-сон қарори билан тасдиқланган, болани фарзандликка, васийлик ва ҳомийликка ҳамда болаларни оилага тарбияга олишни (патронат) рад этувчи касалликлар рўйхатида турган юқумли касалликлар, наркомания, токсикомания ва алкоголизм касалликларига чалинган шахслар томонидан фарзандликка, васийлик ва ҳомийликка ҳамда болаларни оилага тарбияга олиши рад этилиши белгиланган.

Адлия вазирлиги томонидан фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, келажак авлодни соғлом тарбиялаш ва юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Қонунга шахс томонидан болани фарзандликка, васийлик ва ҳомийликка ҳамда болаларни оилага тарбияга олишни (патронат) рад этувчи юқумли касалликлар рўйхатини белгиловчи норманинг киритилиши юзасидан таклиф ишлаб чиқилди.

Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан қўллаб-қувватланди ҳамда Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ҳукуматга киритилди.

**Зафар МУСТАФАҚУЛОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

# Миннатдорчилик мактуби

**ЖАМИЯТДА аёл шаъни, ор-номуси дунёнинг ҳар қандай бебаҳо бойликларидан улуғдир.**

Ушбу шаън ва ғурурни мусаффо сақлаш, ҳимоясини таъминлаш эса барчамиз учун юксак масъулият, инсонийлик бурч ҳисобланади.

Ҳаётда онда-сонда бўлса-да, учраб турадиган аёл шаъни билан боғлиқ муаммо менинг оиламда ҳам юз берди. Оталикни белгилаш масаласида кўмак сўраб "Инсон ва қонун" газетасига қилган мурожаатимга берилган ҳуқуқий тушунтириш туфайли ушбу муаммо қонуний ечимини топди.

Шу боис таҳририят жамоасига ва Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига ўз миннатдорчилигимизни хат орқали йўлладик.

Сизларнинг жамиятда қонунийликни таъминлаш борасида олиб бораётган ишларингизга ривож тилаймиз.

**Бухоро шаҳар, С.Мурод кўчаси,**
**90-хонадонда истиқомат қилувчи Орзугул НАРЗИЕВА, Умида ХАЙИТОВА**

**Қонун доирасида**

# Қарзга қўшимча

## пеня ҳам ундирилди

МАМЛАКАТИМИЗДА истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Аввало, ер ўз эгасини топди. Деҳқонда ерга, мулкка бўлган эгалик ҳисси ортди. Бундай ижобий натижаларга эришишда, албатта, мазкур соҳага оид қонунчилик базасининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётганлиги, имтиёз ва қулайликлар яратишга доир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинаётганлиги, шунингдек, ҳуқуқ-тарғибот органлари томонидан қишлоқ мулкдорларига зарур маслаҳат ва ёрдамлар берилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада Навоий вилоят адлия бошқармасининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Биргина жорий йилнинг беш ойи давомида шартномавий муносабатларга оид масалалар юзасидан хўжалик судларига 96 та даъво аризаси киритилди. Уларнинг 95 таси бугунги кунга қадар кўриб чиқилиб, суд қарорларига асосан қарз, шу жумладан, маънавий зарар ҳамда пеня ва жарималар ундирилиши белгиланди.

Хусусан, бошқарма томонидан Навбаҳор туманида фаолият кўрсатаётган "Акмал Ўктам" фермер хўжалиги раиси Ў.Ўрозовнинг 2015 йил ҳосилидан топширилган пахта хомашёсининг 90 фоизлиги ҳисобидан пул маблағлари тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида "Навбаҳор пахта тозалаш" МЧЖ томонидан фермер хўжалигига топширилган пахта хомашёсининг 90 фоизлиги ҳисобидан 10 миллион 159 минг сўм тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат бўйича бошқарма томонидан 10 миллион 159 минг сўм асосий қарз ва 731 минг 448 сўм пеня ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Натижада мазкур даъво суднинг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб, фермер хўжалиги фойдасига 10 миллион 159 минг сўм асосий қарз ва 500 минг сўм пеня ундириш таъминланди.

**Атхам ЯРҚУЛОВ,**
**Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими**

2016 йил — "Соғлом она ва бола йили"

# Инсон саодатини белгиловчи қўрғон



**МАЪЛУМКИ, оила инсон саодатини белгиловчи қўрғондир. Шунингдек, тартиб-интизомнинг асосий мактаби ҳам оилада вужудга келади.**

Оила, фарзанд каби тушунчалар жамият асоси ва ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмуни ҳисобланади. Шу боис халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом муҳит қарор топиши ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратиб келган.

Оила, оилавий ҳаёт ҳақида улуғ алломаларимиз ўзларининг қимматли фикрлари ва олтинга тенг насиҳатларини ёш авлодга мерос қилиб қолдирган.

Жумладан, Абдураҳмон Жомий ўз фарзанди Зиёвуддин Юсуфга насиҳат қилар экан, отаси фақат машҳур киши бўлгани учун унинг номи, обрўси билан мақтанмасликни, балки унинг номига муносиб фарзанд бўлиб етишишни талаб қилади. Шунингдек, "Қобуснома" асарида ҳам "Агар киши ҳар қанча олий насаб ва асл бўлса-ю, аммо ҳунари бўлмаса, у халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Улуғлик ақл ва билим биладур; насл-насаб била эмас. Отни сенга ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил... Бу от фақат бир нишонадин бошқа нарса эмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил", дея таъкидланган.

"Қобуснома"ги қуйидаги сатрлар ҳам қимматлидир: "Эй фарзанд, билғилким, ақл юзасидин фарзандға ота-онани иззат ва ҳурмат қилиш вожибдир, нединким, унинг асли ота ва онадур. Ота-она фармонбардордур. Бу фармонбардорликда ҳам иш бўлғай ва ҳам фармон бўлғай. Ота-онанинг иши сени парвариш қилмоқдур ва фармони сенга яхшилик ўргатмоқдур. Эй фарзанд, шулваждин ота-онангни сағал ҳам ранжитмағил".

Шу боис ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келган илк ондан бошлаб, унга бутун меҳрини беради, бор имконини сарф этади, баркамол инсон бўлишини ният қилиб тарбиялайди. Кўзланган мақсад эса фарзандларимизнинг бахти, эртанги кунининг порлоқ бўлишидир.

Донишмандлар болани ёш ниҳолга қиёслашади. Ниҳол эгри ўса бошласа, дарахтга айланганида уни тўғрилаш ниҳоятда қийин бўлади. Болага ҳам ёшлигидан тўғри тарбия берилмаса, улғайгач уни тўғри йўлга солиш қийин бўлади. Унга яхши тарбия бериш дегани яхши едириб, яхши кийинтиришдангина иборат эмас. Энг аввало, унга ҳалол луқма едирмоқлик зарур. Агар озуқа пок, ҳалолдан топилмаган бўлса, бундай бола яхши инсон бўлиши гумон иш.

Буюк аллома Ибн Сино фарзанд тарбияси ҳақида шундай деган эди: "Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганади ва улар билан дўст бўлади".

Буюк маърифатпарвар Авлонийнинг фикрича, одам туғилишидан ёмон хулқ билан туғилмайди. Муайян бир шароитда ёмон тарбия натижасида уларда ёмон хулқ пайдо бўлади ва шаклланиб боради. Инсондаги қобилиятни камолга етказиш тарбия билан амалга ошади. Авлонийнинг таъкидлашича, агар инсон яхши тарбия топиб, ёмон хулқлардан сақланса, гўзал хулқларга одатланиб, вояга етса, у барчанинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлган бахтиёр инсон бўлиб шаклланади. Агар аксинча бўлса, унинг ҳар қандай бузуқ ишларни қиладиган, нодон, жоҳил, ёвуз бир одам бўлиб етишишига олиб келади.

Авлоний тарбиянинг барча хусусиятларини таҳлил қилар экан, биринчи навбатда, тарбиянинг амалга ошириш вақтига катта аҳамият беради. У "тарбиянинг замони" тўғрисида фикр юритиб, тарбияни фарзанд туғилган кундан бошлаш муҳимлигини уқтиради. Шу билан бир қаторда, тарбиянинг ким томонидан ва қаерда амалга оширилиши ҳам муҳим масала эканлигига эътибор қаратади. Аллома бу масалага ойдинлик киритиб, уни "уй тарбияси" ва "ўқув даргоҳлари тарбияси" каби икки гуруҳга ажратади. Уй тарбиясида онанинг тарбияси муҳим эканлигини кўрсатади.

**Муҳаббат ЧОРИЕВА,**
**Денов туман ФҲДЁ бўлими мудираси**

Мустақиллик ёшлар тақдирида

# Юксак марраларга кўз тиккан авлод



**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 25 йили тарихий аҳамиятга эга муваффақиятларимиз билан янада қадрлидир. Бундай юксак кўрсаткичларга айрим мамлакатлар бир неча ўн йиллар давомида, айримлари эса асрлар давомида эришади.**

Яқинда матбуотда "Жажжи маликаларнинг катта ғалабалари" сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Етти ёшли қизалоқ Лола Жўраеванинг, назаримда, вазнидан ҳам оғир келадиган кўксини тўлдириб турган медаллари ҳар бир юртдошимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Унинг келажак ниятларини қаранг-а:

— Уч йилдан бери бадиий гимнастика билан шуғулланаман. Италиянинг Латина шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро турнирда олтин медални қўлга киритганимдан хурсандман. Келажакда жаҳон ва Олимпиада чемпиони бўлиш — энг катта орзуим.

Шундай имкониятлар мамлакати — менинг Ватаним эканидан қувондим. Ишонасизми, шундай юртдошларимиз борки, уларнинг бўйнида осилиб турган шода-шода ғолиблик медаллари уларнинг вазнидан ҳам оғирроқдай. Қандай улгурдийкан-а? Жаҳон чемпиони, неча-неча карра Осиё ва Ўзбекистон чемпиони. Бу мустақиллик моҳияти! Кўксидаги медаллари ўзини босиб қоладиган болалар бугун юртимизнинг энг чекка-чекка қишлоқларида, номини қулоқ эшитиб-эшитмаган ҳудудларда ҳам борлиги кишини қувонтиради. Турли хил халқаро танловларда Ўзбекистон ёшлари зафар қучиб қайтишмоқда. Илм-фан чўққиларини эгалламоқда. Уларнинг ҳаммаси ғолиб, мағлублар йўқ, юртимизда фақат ғолибликка даъвогарлар бор — бу ҳам мустақиллик моҳияти.

Ўзингиз ўйлаб кўринг-а, 12-14 ёшга кирмай туриб, "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиш, такрор ва такрор жаҳон чемпионига айланиб, юрти шаънини ҳимоя қилиш, фан олимпиадаси бўладими, билимлар беллашувими, санъатми, спортми фақат ва фақат муваффақиятга эришиш, — бунинг сабаби нимада савол бераман ўзимга. Бунинг сабаби биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликда.

Президентимиз **"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги Қарорида таъкидлаганидек: "Эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Айни шундай ёшларни, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи куч сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора аён бўлмоқда".

Мавзуни узоқдан қидирмасдан, ўзим таҳсил олаётган Тошкент давлат юридик университети мисолида айтадиган бўлсам, бўлажак ҳуқуқшунослар — биз талабалар зиммамизга масъулиятли вазифалар юкланган. Буни хорижий тилларни ўзлаштириш билан боғлиқ талабаларда ҳам кўришимиз мумкин. Бугунги талабалар хорижий тажрибани ўрганиш учун аслиятдан ўқиб, ўрганиш имкониятига эга. Хориж мутахассислари билан тажриба алмашиш қобилиятига эга. Хорижий тилда суҳбатлаша оладиган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, дунёқараши теран, интилувчан ёшлар. Ўйлайманки, ҳуқуқшунослик йўналишида бугун таҳсил олаётган талабалар ўз билим ва қобилияти билан дунёни лол қолдиради. Халқаро ҳуқуқ майдонида ҳам ўзбекистонлик ёшлар ўз салоҳиятини тўлиқ намоён эта олади. Мустақиллик туфайли биз ёшлар юксак марраларга кўз тикмоқдамиз. Уларни забт этиш учун мустақиллик берган имконият бизга таянч бўлмоқда.

Мустақиллик, истиқлол, озодлик каби теран ва муқаддас тушунчалар биз ёшларнинг иқболимиз порлоқ, толеимиз мустаҳкам бўлиши учун имконият эшикларини очди. Бугун Ватанимиз биз фарзандларига елка тутиб, юксаклик сари интилишга чорламоқда. Ўз келажагини елкалаган Ватаннинг эртаси янада обод, мангуликка дахлдор бўлади.

**Н.ЎКТАМЖОНОВА,**
**ТДЮУ 2-босқич талабаси**

# Барча имконият эшиклари очиқ

**БУГУН мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Республикамиздаги ўзига хос бўлган бу демографик вазият аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бораётганини кўрсатиши билан бирга куч ва ғайратга тўла навқирон авлод камол топаётганидан далолат беради.**

Ёшларга етарлича шарт-шароитлар яратиш мақсадида таълим тизимининг ролини кучайтириш, хусусан, ўқув масканлари, болалар ижодиёти марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуаларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, илғор педагогика ва ахборот технологияларини амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакат бўйлаб ижтимоий муаммоларга барҳам бериш, ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, изланишлари учун кўмаклашиш каби амалий ҳаракатлар истеъдодли йигит-қизларга кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Энг муҳими, биз бахтиёр авлоднинг тетапоямиздан бошлаб, ҳар бир одимимиз, маънан ва жисмонан етук авлод сифатида вояга етишимиз учун мамлакатимизда етарлича шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни ушбу соҳага кенг жалб қилиш борасидаги ислоҳотлар натижасида бугун нафақат шаҳар ёки туман марказларида, балки ҳар бир маҳаллада замонавий спорт мажмуалари фаолият юритмоқда.

Фахр билан айтишимиз мумкинки, бугун мустақил, тинч ва осуда диёримизда мен каби зафарлардан масрур, қалби эзгу орзулар билан лиммо-лим йигит-қизлар талайгина. Айни пайтда улар дунё тафаккури йиғилган муҳташам кутубхоналарда билим олиш ёки спорт мажмуаларида жисмонан соғлом бўлиб ўсиб-улғайиш учун мунтазам шуғулланмоқда. Албатта, бу бизнинг саломатлигимиз, келгусида баркамол авлод бўлиб вояга етишимиз кафолатидир.

Бизга спорт, фан, таълим ва бошқа соҳадаги иқтидоримизни намойиш этиш учун **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**-ги, **"Таълим тўғрисида"**ги ва бошқа қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтариши, шубҳасиз. Бизга билдирилган бундай юксак ишончга эса аъло ўқиш, масъулиятни ҳис қилиш, ижтимоий фаоллигимиз билан жавоб беришимиз зарур. Бу фарзандлик бурчимиздир.

Жумладан, мен ҳам ТДЮУ талабаси сифатида давлатимиз томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан баҳраманд бўлиб келаяпман. Чунки университетимиз бугун жаҳон талабларига жавоб бера оладиган юксак даражадаги замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган, барча ўқув корпуслари фан-техника ютуқлари асосида ўқув қуроллари билан таъминланган. Ўқув кутубхоналари, спорт мажмуалари, ошхона, талабалар тураржойлари, хуллас, буларнинг барчаси ёшларнинг келажакда ўз танлаган соҳасининг моҳир мутахассиси бўлиб етишишига қаратилган. Энг муҳими, олий ўқув юртида олган назарий билимларимизни амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаб борамиз. Ушбу амалиёт бизга танлаган касбимизга бўлган қизиқишимизнинг ортишига, келажакда соҳа бўйича малакали мутахассис бўлишимизда, ўз касбимизни нафақат она тилимизда, балки чет тилларда ўзлаштиришимизда ҳам асқатмоқда. Бундай имконият ва шарт-шароитлар шу юртга муносиб фарзанд бўлиб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизда ғайрат ва шиддат билан ҳаракат қилишимизга илҳомлантирмоқда.

**М.АКРОМОВА,**
**ТДЮУ 2-босқич талабаси**


## Эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Андижон вилояти**
Андижон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Андижон туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилояти**
Паркент туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Тўрткўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахтакўпир туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Жиззах вилояти**
Жиззах туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қамаши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Миришкор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилояти**
Термиз шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Денов туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Наманган вилояти**
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Уйчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Фарғона вилояти**
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Боғдод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Хоразм вилояти**
Урганч туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилояти**
Қуйичирчиқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади.**
**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2016 йил 11 август)**
**Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.**

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.06.2016 йилдаги 200-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "SHAYHONTOHUR HUQUQIY HIMOYA" адвокатлик фирмаси адвокати Иминов Темур Мўминович вафот этганлиги сабабли бошқарма томонидан 11.06.2009 йилда берилган TN №000875 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HAMZA ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Пискентбаева Клара Тагаймуратовнага бошқарма томонидан 02.06.2009 йилда берилган TN-000233 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 10.07.2009 йилда берилган 718-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 28.06.2016 йилдаги 6-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 30.06.2016 йилдаги 202-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ARBITRIUM LIBERUM" адвокатлар ҳайъати адвокати Худайбердиева Мухтабар Мансуровнага бошқарма томонидан 03.06.2009 йилда берилган TN-000296 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 30.06.2009 йилда берилган 136-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Тошкент шаҳар "HAQIQAT HIMOYACHILAR HAY'ATI" адвокатлар ҳайъати адвокати Бегматов Эркин Ахунжановичга 24.06.2009 йилда берилган TN №001067 сонли лицензиянинг амал қилиши бошқарманинг 23.06.2016 йилдаги 193-ш/т-А-сонли буйруғига биноан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар тўхтатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 23.06.2016 йилдаги 197-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "NORTON LEGAL" адвокатлик фирмасининг адвокати Мататова Любовь Викторовнага бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN №000556 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 09.04.2012 йилда берилган 2185-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 23.06.2016 йилдаги 198-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "SURXON HUQUQ HIMOYA" адвокатлик бюросининг адвокати Мингбоев Исматилло Болтабоевичга бошқарма томонидан 24.06.2013 йилда берилган TN №001675 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 19.09.2014 йилда берилган 3055-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган "Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 15-бандига асосан Андижон шаҳридаги "Андижон" адвокатлар ҳайъати адвокати Мамадалиева Инобатхонга (25.02.2011 йилда берилган AN 000181-сонли лицензия эгаси) тегишли бўлган Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 27 апрелда берилган 248-сонли адвокатлик гувоҳномаси йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб топилсин.

Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 7 июлдаги 240-ум-сонли буйруғига асосан "Адвокатура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Шукуллаев Қандиёрнинг "Консул" адвокатлик бюросини ихтиёрий тугатиши муносабати билан у бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёки мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга адвокатлик мақоми *(адвокатлик гувоҳномаси №032, 25.06.2009 й.)* тўхтатилганлиги маълум қилинади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 2 июлдаги 270-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "EVICSIYA QOMUS" адвокатлар ҳайъати ва адвокат Сатторов Мехриддин Мухторович ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13'-моддасига асосан (адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 4 июлдаги 171-ум-сонли буйруғига асосан "INTERNATIONAL ADVOKATES" адвокатлар ҳайъати адвокати Абдуллаев Суҳбатилло Халилжановичга 2015 йил 24 июнда берилган NA №000209-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми олти ой муддатга ва "SOLIDARITY" адвокатлар ҳайъати адвокати Шодмонов Хомиджон Отажоновичга 2009 йил 8 майда берилган NA №000057-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми икки ой муддатга тўхтатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 4 июлдаги 172-ум-сонли буйруғига асосан "ATTORNEY ELITE" адвокатлик фирмаси адвокати Насиров Давронбек Кадиржановичга 2015 йил 24 июнда берилган NA 000203-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.


Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Бектемир туман ФҲДЁ бўлими мудираси Мавжуда Мақсудовага онаси

**Тўхтахон ая ҲАКИМОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси Учтепа туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси Қодир Бурлиевга отаси

**Файзулла БУРЛИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Талқин

# Суд экспертизаларини ўтказишда ўзаро ҳамкорлик

## самардорликка хизмат қилади

**МАЪЛУМКИ, мамлакатимизда "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд процессида турли суд экспертизаларини ташкил қилиш ва ўтказишни ҳуқуқий тартибга солишнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу Қонун қабул қилингунга қадар, одил судловда махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг тегишли моддалари, шунингдек, идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этарди. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўп ҳолатларда, бир-бирини такрорлайди ёки ушбу соҳадаги айрим ҳуқуқий муносабатлар охиригача тартибга солинмаган эди.**

*Суд экспертизаси* — фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий, суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат, ёки ҳунар, соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат бўлиб, унинг натижаси ишнинг айрим ҳолатлари юзасидан илмий асосланганлиги тўғрисида хулоса берилади. Бу хулоса жиноий иш юзасидан далил бўлиб, бошқа далиллар билан бир қаторда баҳоланади.

Суд экспертизаларни ташкил қилиш учун материаллар тайёрлаш, эксперт ҳал қиладиган саволларни тўғри белгилаш, таққослаш тадқиқотлари учун намуналар олиш ва бошқа шу каби масалаларни амалга ошириш учун терговчи ёки суд криминалистик техника соҳаси бўйича мутахассисни таклиф этиши мумкин. Экспертиза тайинлаш даврида мазкур эксперт тадқиқотининг имконлари, қайси соҳадаги махсус билим талаб қилиниши, тадқиқот объектларини кўчириб олиш, мустаҳкамлаш, тадқиқот вазифасини аниқ белгилаб, саволларни экспертиза предметига оид равишда тўғри тузиш каби чораларни амалга оширишда криминалист-мутахассиснинг ёрдами беқиёсдир.

Терговчи экспертизани тегишли асос бўлгандагина тайинлайди. Башарти, экспертиза тайинлаш учун асос бўлса, терговчи экспертиза тайинлаши шарт. Ушбу ҳолатда у ўз ихтиёрига кўра ҳаракат қила олмайди.

Экспертиза тайинлашда терговчи қатор масалаларни, биринчи навбатда, экспертиза тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиши лозим.

Экспертиза унга эҳтиёж сезилган заҳоти дарҳол тайинланади. Агар терговчи ихтиёрида барча зарур материаллар бўлса, экспертиза тайинланишини пайсалга солиш тергов муддатлари чўзилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, тегишли материалларни имкон қадар тезроқ олиш ва экспертиза тайинлаш мақсадга мувофиқдир.

Суд экспертизаси материали (қарор, ажрим, тадқиқот объектлари)ни тергов ва суд давлат экспертиза муассасасига юборади. Муассаса раҳбари тегишли мутахассис ходимга топширади. Экспертизага текширилувчи объектлар, ашёвий далил, унинг айрим қисмлари, модда қолдиқлари билан бирга, солиштириб текшириш учун зарур бўлган намуналар-нусхалар ҳам юборилиши лозим. Намуналарнинг ҳажми, сифати эксперт тадқиқотини тўла ва объектив бўлишини таъминлайди.

Бу борада эксперт муассасаси ёки экспертни тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда объектнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳал этиш учун қўйилган масалаларнинг мураккаблиги, у ёки бу эксперт муассасасининг имкониятларини ҳисобга олиш лозим. Муассаса раҳбари тадқиқот ўтказишни аниқ бир экспертга топширади ва барча бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилади.

Агар экспертиза экспертиза муассасасидан ташқарида ўтказилаётган бўлса, терговчининг ўзи экспертни чақиради, унинг билим даражасини аниқлайди, экспертга қарорни ва экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган барча объектларни топширади, унга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ҳамда ёлғон хулоса берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради.

Шу билан бир қаторда терговчи айбланувчи ёки гумон қилинувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан таништириши лозим.

Демак, суд экспертизасини тайинлаш мураккаб жараён бўлиб, у ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг ташаббуслари, ҳам терговчининг ваколатини амалга ошириш натижаси ҳисобланади.

Экспертиза тайинлаш ва унинг натижалари қуйидаги тайёргарлик босқичларни ўз ичига олади:

— экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш учун асосларни аниқлаш мақсадида жиноят иши материалларини таҳлил этиш;

— тадқиқот учун объектлар ва материалларни кўздан кечириш ва уларни расмийлаштириб олиш;

— экспертиза тадқиқотлари учун зарур объектлар ва бошқа материалларни тайёрлаш;

— экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор қабул қилиш;

— экспертизани тайинлашнинг зарур вақтини аниқлаш;

— экспертиза ўтказиладиган муассасани тўғри танлаш;

— эксперт олдига саволларни тўғри танлаб қўйиш;

— экспертга танишиш учун, жиноят иши материалларини қандай даражадаги қисмларини тадқим этиш ҳақидаги саволни ҳал этиш.

Терговчи экспертиза ўтказиш жараёнида қатнашишга ҳақли. Экспертиза тадқиқотларида қатнашиши орқали терговчи қуйидаги қўшимча имкониятларга эга бўлади:

а) эксперт хулосасини баҳолаш;

б) экспертга қўйилган саволлар моҳиятини, эксперт ҳисобга олмаган маълумотлар аҳамиятини, тадқиқот жараёни ва натижаларини тўлиқ қайд этиш заруратини тушунтириш;

в) қўшимча материаллар тақдим этиш ёки қўшимча экспертиза тайинлаш заруратини аниқлаштириш;

г) эксперт ҳаракатларини ўтказиш тўғрисидаги қонуннинг барча талаблари ижро этилиши устидан назорат қилиш;

д) янги далиллар тўплаш заруратини аниқлаш;

е) экспертга айбланувчи тушунтиришларини олиш ва қайд этишга ёрдам кўрсатиш.

Хулоса қилиб айтганда, эксперт ва терговчининг биргаликда процессуал ҳаракатларни амалга ошириши жиноятларни очишда асосий аҳамият касб этади. Шу сабабли терговчи тайинлаётган қарори ва ўтказилаётган экспертиза имкониятларини аниқ билиши ва экспертга терговчи хулоса шакллантиришда амалий ёрдам бериши талаб қилинади.

**Абдуваҳоб ЗУЛФУҚОРОВ,**
**ИИВ Академияси**
**Криминалистик экспертизалар**
**кафедраси ўқитувчиси,**
**лейтенант**

Шаҳар бедарвоза эмас

# "Йўлга" чиққан тангалар

## манзилига етолмади

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ҳудудидан ноёб ва маданий бойликларнинг олиб ўтилиши тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ хорижий фуқаролар ва бошқа шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига вақтинча олиб кириладиган маданий бойликлар тегишли божхона ҳужжатларида (хусусан йўловчи божхона декларациясида) кўрсатилиши керак.**

Тожикистондан республикамизга кириб келган хорижий фуқаролардан бирининг мазкур тартибларга риоя қилмаганлиги қимматга тушди.

"Сариосиё" чегара божхона комплекси орқали автотранспорт воситасида кириб келган ушбу шахс йўловчи божхона декларациясини тўлдирар экан, ёнидаги барча буюмларни декларацияда қайд этганини маълум қилади. Шунингдек, божхоначиларнинг оғзаки сўрови пайтида ҳам ёнида ортиқча буюмлари йўқлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Шундан сўнг тегишли автотранспорт воситаси ўрнатилган тартибда ва холислар иштирокида кўздан кечирилганда, машина салонига 20 дона қадимий тангалар яширилганлиги маълум бўлди.

Яширин тарзда олиб ўтишга уриниш чоғида фош қилинган ушбу тангалар Сурхондарё вилоят бадиий экспертиза мутахассисларининг хулосасига кўра, милоддан авалги IV-III, милодий I-III ҳамда XIII-XIV асрларга оид бўлиб, уларнинг ҳозирги қиймати 12,2 миллион сўмга баҳоланган.

Давлат эгалигига ўтказилган мазкур тангалар Сурхондарё вилоят археология музейи фондидан жой олди.

Термиз аэропортида ҳам божхоначилар 26 дона тарихий тангаларнинг яширин равишда олиб чиқилишини бартараф этишди. Ушбу вилоятда истиқомат қилувчи фуқаро Москвага йўл олар экан, ўзи билан степлер — канцелярия буюмини ҳам олиб кетаётганлиги бир қарашда шубҳали туюлиши табиий! Ушбу шахсга тегишли юкларни назорат-рентген аппаратидан ўтказиш вақтида, степлер тасвирининг экранда шубҳали акс этиши божхоначиларни матоҳни синчиклаб текширишга ундади.

Натижада, степлер ичига турли тасвирлар туширилган ва ҳар хил ҳажмдаги 26 дона қадимий тангалар яширилганлиги аниқланди. Сурхондарё вилоят бадиий экспертизаси хулосасига кўра, мазкур мис ва кумушдан ишланган тангалар тарихда юртимиз ҳудудида вужудга келган Кушон, Юнон-Бақтрия, Қорахонийлар, Араб халифалиги ва Бухоро хонлиги давлатларида муомалада бўлган. Уларнинг бугунги кундаги қиймати экспертлар томонидан 70 миллион сўмга баҳоланган.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув жараёнлари давом этмоқда.

**Сурхондарё вилоят божхона бошқармаси**
**Ахборот хизмати**

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

## "Асака" банк

**яқинлашиб келаётган "Мустақиллик куни" байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

**"МУСТАҚИЛЛИК — 25"**

*Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



**Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

**"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

AGROBANK



Internet banking

Tezkorlik zamon talabi

www.agrobank.uz

# Замонавий тўлов воситаси

## осон, қулай ва тез

ЮРТИМИЗДА молия муассасаларини ислоҳ этиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистоннинг мустаҳкам банк тизими яратилди. Ҳали-ҳамон давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётни модернизациялаш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар изчил давом эттирилгани, инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётга самарали татбиқ қилингани нафақат банк-молия тизими, балки бутун иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминламоқда.

Ўтган йиллар давомида соҳада эришилган муваффақиятлар, қўлга киритилган ютуқлар кўлами ҳақида сўз юритганда, аввало, банкнинг аҳоли учун қулай бўлган янгидан-янги хизмат турлари жорий этилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Ана шундай хизматлардан бири — пластик карталар орқали ҳисоб-китоб амалиётидир. Айтиш мумкинки, пластик карталар билан товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш механизми мамлакатимизда ҳам тобора ривожланаётгани аҳолига қулайлик яратмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, пластик карталар билан ишлашда, аввало, вақт тежалиши, тўлов учун қулай ва соддалигидадир.

Шу боис ушбу хизмат турини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида оммалаштириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Президентимизнинг **"Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда **"Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорлари бу борадаги ишларни самарали амалга ошириш, тартибга солишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бу жараёнда барча тижорат банклари қатори "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Сирдарё вилоят бошқармаси ҳам муҳим натижаларни қўлга киритиб келмоқда.

Хусусан, бугунги кунда банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони 143 минг 295 тадан ошди. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўловларни қабул қилувчи терминаллар сони эса қарийб 1659 тага етди. Бундан ташқари, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида гавжум жойларда пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш имконини берувчи инфокиоска ва банкоматлар ўрнатилди.

Шу боис, аҳолининг охирги 5 йил мобайнида пластик карталарга ўтказилган маблағлари ҳажми қарийб 2,7 баробарга, тўлов терминаллари орқали ўтказилган савдо транзакциялари ҳажми эса 3,5 баробарга ошди.

Шунингдек, пластик карталардан фойдаланиш, улар орқали тўловлар ҳажмини ошириш мақсадида мижозларга янги замонавий хизмат турлари таклиф этилмоқда. Пластик карточкалар орқали тўловлар исталган вақтда, масофадан туриб, банк операторисиз ва уларни қабул қилиб олувчи ускуналарсиз, хусусан, "Интернет банкинг", "Uzcard-Click", "Mobil savdo" каби қатор тўлов хизматлари орқали амалга оширилмоқда.

Айтиш жоизки, биргина "Интернет банкинг" тизимига уланган мижозлар сони бугунги кунга келиб 800 дан, "Мобил банкинг" хизматидан фойдаланаётганлар сони эса қарийб 22900 дан ошди. Бундан ташқари, "Мобил савдо" хизмат турига уланган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 400 тага етди.

"Агробанк" АТБ Сирдарё вилоят бошқармаси ҳам айни пайтда янги "AGROBANKMOBILE" мобил илова хизматини ҳам жорий этиш арафасида. Ушбу хизмат турининг афзаллиги шундаки, у орқали юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар банкка тегишли ва бошқа янгиликлардан он-лайн хабардор бўлиши, барча ҳисоб рақамлари (пластик карта, кредит, омонат ва ҳоказо) қолдиғи ҳақида ҳисобот олиши, бошқа турдаги тўловларни, яъни уяли алоқа, интернет, коммунал тўловларни он-лайн амалга ошириш, омонат турлари ҳақида маълумотлар олиш ва расмийлаштириш, кредитлар ва уларнинг фоизларини сўндириш, пластик картадан нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш, Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валюталари курсини билиб боришлари мумкин.

Шунингдек, янги ташкил этилган фермер хўжаликлари учун ўзларининг ҳисоб-китоблари, меъёрлари билан боғлиқ маълумотларни қисқа муддатда назорат қилиб бориш имконияти яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, "Агробанк" АТБ Сирдарё вилоят бошқармаси томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кун сайин кенгайиб бораяпти. Энг муҳими, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ва эришилаётган натижалар, мижозларга таклиф этилаётган электрон хизматлар барчага бирдек қўл келмоқда ва манзур бўлмоқда.

**Бобур ШОЙИМҚУЛОВ**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир Кўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Усмонов Анвар Акрамович, Мамадалиев Зайниддин Очилович, Очилов Алижон Мухлисович, Эргашева Дилфуза Рустамовна
Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ
Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 19019. Буюртма S-6510.
Топшириш вақти — 19:00 Топширилди — 19:00
Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.
МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31 Обуна бўлими: 268-19-97
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5